УДК 42/48+412.2+412.3

ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ ОНОМАТОП БИРЛИКЛАРНИНГ ТУРЛАРИ ВА ҚЎЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Н. М. Алибоева

Агглютинатив тиллар, хусусан, ўзбек тилида тақлидлар кенг кўламли бўлса, флектив тиллар, жумладан, инглиз тилида мустақил туркум сифатида тақлидлар деярли йўқ ҳисоби. Бу тилда товуш ёки образга тақлид от, сифат ёки феъллар билан берилади. Аммо бундай сўзларнинг аслида генетик жиҳатдан тақлиддан ўсиб чиққанлиги сезилиб туради. Инглиз тилида бевосита ва билвосита ономатопеялар ажратилади. Уларнинг ўз ва кўчма маъноларда қўлланиши кузатилади. Таснифларида ноизчилликлар учраб туради.

***Калит сўзлар**: товушга тақлид, тасвирий ифода, ономатопея, от, гап бўлаги, грамматик шакл, агглютинация, флексия.*

Если подражательные слова в агглютинативных языках, в частности, в узбекском языке получили широкое распространение, то во флективных языках, например, в английском языке они как отдельная часть речи не выделяются. В английском языке подражания звуку или образу передаются именами существительными, прилагательными или глаголами. Но ощущается, что эти слова генетически произошли от подражаний. В английском языке различаются ономатопеи посредственные и непосредственные. Встречается употребление их как в прямом, так и в переносном значении, также наблюдается непоследовательность в их классификации.

***Ключевые слова:** звукоподражание, парафраза, ономатопея, имя существительное, член предложения, грамматическая форма, агглютинация, флексия.*

Маълумки, ҳар бир тил ўзига хос товушлар тизими ва дунёнинг миллий лисоний тасвирига эга. Айнан товушлар тизимидаги фарқланишлар бирор тилда воқеланган нутқнинг энг қадимги бирликларидан бўлган тақлид сўзлар бошқа тиллардагидан кескин ажралиб туришида асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бундай фарқланишларда тилнинг ўзига хос артикуляцияси – энг муҳим омил. Тилшунос И.В.Арнольд таъкидича, “тақлид фонетик таркиби билан табиат товушлари, ҳайвонлар овози, ҳаракат шовқини, инсоннинг кайфияти, ҳоҳишини ифодалайдиган турли нутқ бирликлари ёки товушларни эсга солувчи лексемалардир” [1. Б. 62-63].

Лисоний бирликларни мустақил ва ёрдамчи туркумларга ажратиб, сўнг бирликларни бир неча компонентларга бўлиб таҳлил қилиш кўп тиллар каби инглиз тили морфологиясига ҳам хос. Инглиз тили морфологияси от, феъл, сифат, сон, равиш ва олмош каби бирликларни мустақил сўз туркумлари, боғловчи, кўмакчи, юкламани ёрдамчи сўз туркуми сифатида тадқиқ этади. Тақлидларни улар сирасида кўрмаймиз [2].

Замонавий инглиз тилшунослиги тақлид сўзларни икки асосий гуруҳ, яъни товушга тақлид ва ҳолатга тақлид лексемаларига ажратиб таҳлил қилади. Инглиз ва ўзбек тилларидаги тақлид сўзларни қиёсий ўрганиш ва категорияларга ажратиш ушбу бирликлар лисоний хусусиятларининг нутқий воқеланишини таҳлил қилиш имконини беради. Шунингдек, тақлид сўзларнинг қиёсий таҳлили бадиий адабиёт таржимасида объективлик, асосий тилдаги матннинг бўёқдорлиги ва аслиятини сақлаб қолишда катта аҳамиятга эга. Албатта, тақлид сўзларни нафақат фонетик, балки лексикологик, лингвокультурологик ва прагматик асосда тадқиқ қилиш ушбу бирликларнинг моҳиятини янада чуқурроқ англашга хизмат қилади. Қолаверса, тақлид сўзлар тузилишини ўрганиш тилнинг фонетик ва лингвистик ўзига хосликларини ҳам таҳлил қилиш ва тегишли хулосалар чиқаришда муҳим.

Тақлид сўзлар замонавий инглиз тилшунослигида *ономатопея* (инг. ***onomatopoeia***) деб юритилади. Ушбу атама юнон тилидаги ***(νοματοποιΐα)*** *онома* (“ном”) ва *пои* (“бермоқ”) сўзлари бирикувидан ясалган. Инглиз тилшунослигида ономатоплар табиий ва жонсиз буюмлар товушларига, шунингдек, ҳолатга тақлид сифатида вужудга келган сўз ва сўз бирикмалари, от ёки феълнинг таркибий қисми сифатида талқин қилинади. Тилшунос И.Р.Гальпериннинг фикрига кўра, ономатоплар табиат ҳодисалари, инсон ва ҳайвонлар товушига тақлидни билдирувчи, физик ёки биологик товушларни акс эттирувчи нутқ товушлари йиғиндиси [3. Б. 124]. Айни шу манбанинг ўзида ономатоп бирликлар икки гуруҳ – бевосита ва билвосита тақлид сўзларга бўлинади. Биринчи гуруҳдаги ономатоп

бирликлар бевосита товушнинг ўзига тақлидни ифодалайди. Мисол: *Summer is coming in. Loudly sing **cuckoo**! Groweth seed and bloweth mead and spring the woods anew. Sing **cuckoo**! Sing **cuckoo**!* (McCaughrean, Geraldine, “A little lower than the angels”) (Мазмуни: Ёз кириб келмоқда. Баландроқ қичқиринг: “Ку-ку!” Унган майса шарқираган ирмоқлар оғочларни ювиб ўтмоқда! Куйланг: ку-ку! Куйланг: ку-ку!**)**

Иккинчи гуруҳга оид ономатоплар эса товушга тақлидни билдирмайди. Билвосита ономатоплар товушга тақлидни эмас, балки унинг акс-садосига тақлидни ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, маълум бир товушнинг қай тарзда амалга оширилганини англатади. Мисол: *And she fished a small parcel from her pocket, and showed Sally-Anne her treasure just as the horse finally **groaned up** – or **neighed up**, thought Sally-Anne irreverently* (Marshall Paula, “An American princess”) (Мазмуни: У киссасидан кичик ҳамённи титкилаб топди, сўнг Салли-Аннага ўз хазинасини кўрсатганда у худди отдай **кишнаб-пишқириб** юборади-я, дея хаёл қилди Салли-Анна). Шу ўринда иккинчи гуруҳга оид тақлид сўзларни ҳолат ёки ҳаракат тарзига тақлидни ифодалайди дейиш мумкин. Чунки инглиз тилида бевосита ҳолатга тақлидни ифодаловчи сўзлар туркум сифатида асосан феъл ёки гап бўлаги сифатида ҳол вазифасида қўлланади. Бу турдаги сўзлар тўғридан-тўғри мустақил ҳолда тақлид сўз бўлиб, алоҳида гап бўлаги сифатида деярли қўлланмайди.

Инглиз тилидаги ономатоп сўзлар таркиби бевосита маданий ва миллий қадриятлар, шунингдек, тилнинг фонетик имкониятлари нуқтаи назаридан ўзбек тилидаги ушбу тур лексик бирликлардан сезиларли даражада фарқ қилади. Ҳар бир физик ёки биологик товуш серқирра мураккаб воқелик бўлиб, муайян тил ўз фонетик имкониятидан келиб чиққан ҳолда бу товушнинг айнан миллий онг эътибор қаратадиган алоҳида бир қирраси ёки жиҳатига урғу беради.

Тақлидни ифодаловчи бирликларни мустақил маънога эга лексема сифатида қабул қилиш инглиз тилига ҳам хос. Аммо морфологик жиҳатдан инглиз тилидаги тақлидлар, яъни ономатопеялар ўзбек тилидагидек мустақил сўз туркуми сифатида қараладиган тақлидлар гуруҳига эмас, балки алоҳида гап бўлаги мавқеида кела олмаганлиги сабабли морфологиянинг ундов сўзлар сирасига киритилади. Шунга қарамасдан, тақлид сўзлар гапда нафақат ундов гап, балки бирикма таркибида ёки феъл билан бирга эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи ёки ҳол вазифасини бажариши мумкин.

Инглиз тилидаги ономатопеяларнинг асосий умумий хусусиятлари сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин:

биринчидан, инглиз тилида тақлид сўзлар мустақил маънога эга лексемалар ҳисобланади. Қолаверса, ушбу сўзлар сўз ясовчи аффиксларни қабул қилиб (бунда ономатоплар аффиксация ва флексия ёрдамида бир сўз туркумидан бошқасига ўтади), нутқда турли вазифаларни бажариши – нафақат ундов гап, балки эга, кесим, тўлдирувчи, ҳол ёки аниқловчи вазифаларида ҳам келиши мумкин;

иккинчидан, тузилиши жиҳатдан инглиз тилидаги тақлид лексемалари қисқалиги билан ажралиб туради. Бундай сўзлар асосан бир бўғинли ўзакдан ташкил топади. Шу жиҳатдан инглиз тақлид сўзлари ўзбек тилидаги ушбу қатламга яқин туради;

учинчидан, инглиз тилида асосан товушга тақлид лексемалари кўпроқ учрайди, ҳолатга тақлидлар эса нутқда нисбатан камроқ қўлланилиб, бундай тасвирий сўзлар устуворлиги кузатилади. Ҳолатга тақлид сўзлари ономатоплар туркумига киритилса-да, алоҳида гуруҳ агломератлари сифатида тадқиқ қилинади;

тўртинчидан, инглиз тилидаги ономатоплар кўп ҳолларда, туб маъно билан бирга, кўчма маънога ҳам эга бўлиши мумкин;

бешинчидан, инглиз тилшунослигида тақлид лексемалари имитатив бирлик, яъни ундовлар, шунингдек, ономатоплар гуруҳига оид деган турли қарашлар мавжуд [2].

Семантик нуқтаи назардан инглиз тилидаги тақлид сўзларни тўрт асосий гуруҳга бўлиш мумкин. Биринчи туркумга ҳайвонлар товушига тақлидни ифодаловчи сўзлар киритилади. Бу гуруҳдаги тақлидни ифодаловчи лексемалар жуфтлашган/жуфтлашмаган ҳолда қўлланиши мумкин. Тақлид лексемаларнинг фонетик ўзига хослиги унли товушларнинг жуфтлашиши ёки унлиларнинг дифтонглашишида кўринади. Мисол: *1. A bird uttered its last **‘cheep**.’ And right above the oak tree the first star shone.*(John Galsworthy, The Forsyte Saga) (Мазмуни: *Қуш сўнгги бор “**чий**” этди. Эман дарахти узра илк юлдуз чарақлади.*) *2. **Cheep! Cheep!** said the young one, and tumbled out.* (Hetty Browne, “Sarah Withers”) (Мазмуни: *Ёш полапон “чий! чий!” дея овоз чиқарди, сўнг ҳолсиз йиқилди.*) Мисолларда келтирилган ажратилган лексемалар қушнинг ҳолсиз чийиллаш овозига тақлидни ифодалайди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, жониворлар товушига тақлид лексемалари полифониклиги билан ажралиб туради. Яъни тилда бир турдаги товушни (масалан, қуш сайрашини) ифодалаш учун бир неча тақлид лексемалари мавжуд. Юқоридаги мисолда полапоннинг заиф чийиллаши ифодаланган бўлса, қуйидаги парчада канарейканинг сайроқи товушига тақлид кузатилади: 1.*All creatures communicate*

*only in the manner to which they are instinctively and inwardly programmed. The canary goes ' **tweet** ' and only **'tweet'**.* (Davidson John, "Natural creation and the formative mind".) (Мазмуни: *Барча мавжудотлар аввалдан дастурланган, инстинктив товушлар орқали мулоқотга киришади. Канарейка фақатгина **"чиқ-чириқ"** деган товушда сайрайди.*)

2. *Hark, hark!*
***Bow-wow**!*
The watch-dogs bark!
Bow-wow!
Hark, hark! I hear
The strain of strutting chanticleer
*Cry, '**cock-a-diddle-dow!**"*
(William Shakespeare, "The Tempest")
(Мазмуни:
Шошинг, шошинг!
Вов-вов!
Қўриқчи итлар ҳурмоқда,
Вов-вов!
Шошинг, ошиқинг! Қулоқларимга
Хўрознинг қичқириғи эшитилди
"Қуқ-қу-қу-ғу!")

Мисолда итнинг овозига бир неча тақлид ифодалари келтирилган. Инглиз тили тарихида ишлатилган бу тақлид лексемаларнинг учаласи ҳам ҳеч қандай фонетик ўзгаришларсиз ҳозирги кунда ҳам қўлланади:

*The little dog got his head out this time and said **"bow-wow!"**(The Road to Oz)* (Мазмуни: *Кучукча бу сафар бошини чиқариб "вов-вов!" дея ҳурди).*

Ўзбек тилида тақлид сўз билан бирикадиган кесим айнан ўзи бириккан ономатопга семантик жиҳатдан мослашади. Хусусан, ўзбек бадиий адабиётида хўроз қичқириғини айнан бериш учун *қуқ-қу-қу-ғу* товушлар тизимидан фойдаланилади. *Қичқирмоқ* сўзи ўрнида *айтди, куйлади* ва ёки бошқа сўз қўлланиши услубий ғализликка олиб келади. Бироқ инглиз тилида тақлид лексемаси билан "демоқ", "айтмоқ" каби феъллар бирикиши табиий ҳол. Юқоридаги мисолда *to say* ("демоқ") ўрнида *to bark* ("ҳурмоқ") сўзи қўлланиши мумкин эди. Афтидан, инглиз тилида тақлид сўз ва кесим ўртасида семантик мослашув юзага келиши қийин масала. Бу ҳолда *to say* ("демоқ") феъли гапда туб маъносини йўқотиб, ономатоп бирлик маъноси билан уйқашиб кетади.

Инглиз тилидаги ономатоп бирликларнинг яна бир ўзига хослиги уларнинг кўчма маънода бошқа категорияларга нисбатан ҳам қўлана олишидир. Бунда жонивор товушига тақлидни англатувчи бирликлар инсон нутқи воситаси ёки табиат ҳодисалари шовқинини ифодалай олади. Ўз-ўзидан, бундай кўчма маънода қўлланган ономатоплар билвосита тақлидга айланади. Демак, баъзи ҳолларда бир тақлид сўз ҳам бевосита, ҳам билвосита тақлидлар гуруҳига оид бўлиши мумкин. Бундай ономатоплар кўчма маънода қўлланган ҳаракат тарзини ифодаловчи равиш вазифасини бажаради, қўшимчалар ёрдамида гапда ундов эмас, бошқа бирлик сифатида қўлланилса ҳам, ономатоп бирлик дея таҳлил қилинади [2]. Мисол: *The comandante, Don Senor el Coronel Encarnacion Rios, who was loyal to the Ins and suspected Goodwin's devotion to the Outs, **hissed**: «Aha!» and wrote in his secret memorandum book the accusative fact that Senor Goodwin had on that momentous date received a telegram.* (Henry, O. "Cabbages and Kings"). (Мазмуни: Маҳаллий аҳолига содиқ Гудвиннинг келгиндиларга сотилганидан шубҳаланаётган комендант Дон сенъор Эл Корнел Энкарнасъон Рио "Аҳа" дея шивирлаганча (**вишшиллаганча**) ён дафтарчасига ўша куни Гудвин телеграмма олганини ёзиб қўйди.)

Товушга тақлиднинг иккинчи туркумига табиат ҳодисаларига тақлидни киритиш мумкин. Бу турдаги ономатоп бирликлар табиат ҳодисалари, жумладан, момақалдироқ, тошқин, шамол, ёнғин ва шу каби қатор бошқа ҳодисалар товушига тақлидни ифодалайди. Шунингдек, ушбу туркумга предметларнинг физик товушларини ифодаловчи ономатоплар ҳам киритилади: *A loathsome **bleep** at the register. **Bleep, bleep, bleep.** Trixie, the cashier, calculated ninety-eight dollars.* (Sativa January, "Title Happier Lives") (Мазмуни: Қабулхонадан бир маромдаги ғашга тегадиган (пилқиллаган) товуш эшитилди: "**Пилқ", "пилқ", "пилқ".** Кассир қиз Триси тўқсон саккиз доллар ҳисоблади.)

Табиат ва нарса-буюмлар товушига тақлидни ифодаловчи ономатоп бирликлар аксарият ҳолларда шеъриятда учрайди. Бу каби элементлар тасвир табиийлигини оширишга хизмат қилади. Ўзбек тилидагидан фарқли ўлароқ, ономатоп бирликлар нафақат болалар адабиёти, балки мумтоз бадиий асарларда ҳам кенг қўлланилади. Бироқ бадиий асарларда ономатоплар бевосита тақлидни ифодаловчи ундов сўзлар эмас, кўп ҳолларда қўшимчалар ёрдамида эга, кесим, аниқловчи, ҳол ёки тўлдирувчи каби гапнинг мустақил бўлакларидан бирига айланишини кузатамиз:

***Booming** and **Banging** thunder in the air*
***Crashing** and **Rumbling** waves against wet rock*
***Bombing** and **scraping**, lighting the sky*
***Swishing** and **Sloshing** rain on a windscreen*
*Metallic **thuds** on a tin roof*
***Swishing** and **Swooshing** the flooding roads*
***Howling** and **Moaning**, wind attacking*
Wavering, Crashing and SizzlingPower
everywhere
***Thudding** and **Banging** hail on every window*

Slamming *and* ***Echoing*** *doors in the house.*
(William Thomas Dodd, “Storm”)

(Мазмуни:
Ҳавода момақалдироқ **гумбурлаб** пишқирар,
Қарсиллаб, **варанглаб** урилар ҳўл
ҳарсанг юзига.
Портиллаб, **тарсиллар** осмонда чақмоқ,
Тақир-туқур билан урилади ёмғир
деразаларга,
Пўлат том устида томчи **чакиллар,**
Визиллаб, шовуллаб кўчада тошади ўпқон.
Оламни тўлдирар шамолнинг **улиган,**
инграган саси,
Ҳаммаёқда титроқли вайронкор,
ваҳшат куч кезар
Чертилмаган, гумбурламаган дераза қолмади
Эшикларнинг бари **қарсиллаб** синиб **акс садо** чиқармоқда.)

Мисолдаги барча тақлид сўзлар феъллашган ҳолда қўлланган. Ўз навбатида ушбу шеърнинг асосий бадиий залвори ҳам айнан шу ономатоплар орқали юзага чиққан.

Юқорида айтилганидек, инглиз тилида соф тақлид ҳолидаги сўзлар ҳам талай:

Water plops into pond
Splish-splash *downhill*
Warbling magpies in tree
Trilling, melodic thrill
(Lee Emmett, “Running Water”)
(Мазмуни:
Сув оқиб тушмоқда кичик кўлмакка
Адирдан **шилдир-шилдир** пастлайди.
Дарахтдаги қарғаларни жунжиктриб,
Шилдираб боради ўйноқи оҳанг.)

Юқоридаги икки мисолдан шуни аниқлаш мумкинки,аксарият ҳолларда бадиий асарлардаги тақлид сўзлар мустақил ҳолда гап бўлаги вазифасини бажаради. Бундай ономотоплар бадиий адабиётда асосан услубий восита сифатида қўлланиши мумкин. Лекин бу – кам учрайдиган ҳодиса. Шунингдек, бадиий асарларда тақлидларнинг бевосита ва билвосита бирга қўлланишини ҳам кўрамиз:

A cacophonous cannonade of thunder,
Doesn’t it make you wonder?
Blasting ***buss*** *of blunder,*
Pitter-patter *rain, pouring under,*
Streets awash like tumult tundra,
Lucid lightning ***flash****,*
Clip-clop *heels as people dash*
(William Thomas Dodd, “Storm”)
(Мазмуни:
Момақалдироқнинг қўрқинчли саси
Сира ҳайратлантирмайдими сени?
Шамолнинг вайронкор вижиллаши
Остида ***шилдир-шилдир*** *ёмғир ёғади.*
Қасир-қусур *орасида кўча юзи*
ювилиб боради,
Ярқираб *чақмоқ ёритар атрофни,*
Одамлар юради, пойафзаллар ***тақ-туқ.***

Парчада феъл шаклидаги ва мустақил ҳолдаги тақлидларнинг ўзи иштирок этган. Бевосита тақлидлар жуфтлашган, аллитерацияга учраган ҳолда қўлланса, феъл шаклидаги тақлидлар якка лексема сифатида лисоний ва бадиий вазифа бажарган.

Бир турдаги товушга тақлид сифатида бир неча феъл шаклидаги ономатоплар қўлланиши ҳам мумкин. Бунинг замирида муаллифнинг, албатта, тасвирни янада кучайтириш истаги ётади: “*How they* ***clang****, and* ***clash***, and ***roar***!” *The Bells* (Edgar Allan Poe) (Мазмуни: Қўнғироқлар қанча **жаранг-журунг чинқиришмоқда!**) Жумлада қўнғироқнинг жаранглаши учта ҳар хил феъл шаклидаги тақлид бирликлари ёрдамида ифодаланган. Албатта, ҳар бир ономатоп тасвир яққоллигига ўзига хос сезиларли ҳисса қўшган.

Инглиз тилида айрим жумлалар бевосита тақлид тизмасидан иборат бўлиши ҳам мумкин:

Piddle-paddle, piddle-paddle, splash,
splash, splash
Into the pool with a great big dash!
(Jaymie Gerard, “Piddle-Paddle”)
(Мазмуни:
Шилдир-шилдир, жилдир-жилдир,
Узоқдан ҳавзага сакраб тушар сув.)

Юқоридаги жуфтликнинг таркибий қисми асосан бевосита тақлиддан ташкил топган. Сувнинг овозига тақлидни англатган биринчи лексик бирлик жуфтлашган ва аллитерацияга учраган, иккинчиси эса шунчаки такрор ҳолда қўлланган.

Тақлидларнинг учинчи турига инсон нутқидаги турли шовқинга нисбатан қўлланадиган ономатоплар киритилади. Мисоллар: *Miss Watson would say, “Don’t put your feet up there, Huckleberry;” and “Don’t* ***scrunchup*** *like that, Huckleberry – set up straight;” and pretty soon she would say, “Don’t gap and stretch like that, Huckleberry – why don’t you try to behave?”* (Mark Twain, “Huckleberry Finn”). (Мазмуни: Ватсон хоним бўлганларида: - “Геклберри, оёғингни у ерга қўйма, бунақа **чалпиллама**. Геклберри, тўғри ўтир”, - деган бўларди. Яна дарҳол: “Қаддингни тик тут, керишма, Геклберри – нега тўғри тура олмайсан-а?” – дер эди.)

Юқорида тақлид бирлиги таркибида предлогли феъл ёрдамида ифодаланган. Умуман олганда, инглиз тилида тақлидий ифодалар нафақат тақлид сўз шаклида, балки худди тасвирий сўзлар каби эга, кесим, аниқловчи, тўлдируччи ёки ҳол вазифасини ҳам бажара олади: *The king* ***snarls*** *around on him and says: “I was trying to do for the*

best in sellin' 'em out so quick. If the profits has turned out to be none, lackin' considerable, and none to carry, is it my fault any more'n it's yourn?" (Mark Twain, "Huckleberry Finn") (Мазмуни: Шоҳ у ҳақда атрофга **вайсаб** дейдики: Бу ишни уддалайман дея тиришаётгандим, ҳаммасини тезда сотиб юбордим. Агар ҳеч вақо фойда қилолмаган бўлсак, агар ақча кўтаргудек салмоқли бўлмаса, айб сенда эмас, менда бўлармикан?) Гапда нутқий фаолиятга нисбатан ономатоп бирлик қўлланган, ушбу тақлидий лексема ҳам гапда кесим вазифасини бажармоқда.

Баъзи ҳолларда предметлар шовқинига тақлидни англатувчи ономатоплар инсон нутқига нисбатан ҳам қўлланиши мумкин: *A man on the barge leaned over from above and baptized him with **crisp** and **crackling** oaths, while the whites and Indians in the canoe laughed derisively.* (Jack London, "The Little Lady of the Big House") (Мазмуни: *Ридо кийиб олган киши энгашиб уни қуруқ ва дағал дуо ўқиб чўқинтирди, бу пайт қайиқдаги оқ танлилар ва ҳиндулар масхараомуз кулишарди.*)

Гапдаги ҳар иккала ономатоп бирлик ҳам аслида предметнинг товушига тақлидни ифодалайди. Лекин юқоридаги мисолда улар инсон нутқининг қуруқлиги, аниқроқ қилиб айтганда, нутқнинг дағал ва ҳиссиз эканлигини ифодалашга хизмат қилади.

Шу ўринда инглиз тилидаги тақлидлар ва тасвирий сўзлар орасидаги тафовутга алоҳида урғу бериш лозим. Бунда биз методологик асос сифатида тилшунос Р.Қўнғуровнинг тақлидий ва тасвирий сўзларни фарқлаш тамойилларидан келиб чиқамиз. Маълумки, олим тақлид сўзлар сирасига бевосита ҳайвонлар, табиат ҳодисалари, нарса-буюм, қолаверса, инсон товушларига тақлидни англатувчи ифодаларни киритади. Бундай товушлар жамланмаси бевосита кишининг эшитиш орқали қабул қилган товушлар тизимига асосланади. Тасвирий сўзлар эса ҳаракатнинг тарзи ёки ҳолат тасвирини ифодалайди (4. Б. 30). Инглиз тилида ҳам тасвирий ифодалар сифатида тақлидий бирликларнинг қўлланишини кузатиш мумкин. Бу каби бирликлар тасвирий ифодавийликни оширишга хизмат қилади. Мисол: *He could hear his mother playing the piano, not For Elise now but something else he didn't like so well - something that sounded dry and fussy; he could hear rain **flickingsteadily** against the kitchen windows* (King, "S.It"). (Таржимаси: *У онасининг пианино чалаётганини эшитиб турарди, бу сафар Элизага куй эмас, унга ёқмайдиган аллақандай бошқа бир қуруқ ва тушунарсиз оҳанг; қулоғига узлуксиз ёмғирнинг деразани мудом **чертаётгани** эшитилди*). Мисолда ёмғирнинг товушига нисбатан *flickingsteadily* тақлидий ифодаси қўлланган. Гарчи бу тасвирий бирлик туркий тиллардагидек соф тақлид кўринишида эмас, балки феъл шаклида қўлланган бўлса-да, у ёмғирнинг қай тарзда, қай ҳолатда ёғаётганига эмас, балки унинг қандай овоз чиқараётганига эътиборни тортади. Айнан овозга тақлидни ифодалаганлиги сабабли бу лексемани тасвирий сўз деб бўлмайди. мана бу мисолда эса бошқа ҳолат кузатилади: *The project went forward at a steady **gait.*** (David Poyer, "Onslaught"). (Таржимаси: *Лойиҳа **бир маромда илдамлаб** борарди*). Бу жумлада товушга тақлид эмас, балки ҳолат тасвири ифодаланган. Шу асосда *gait* ифодасини тасвирий сўз сифатида қабул қилиш мумкин.

Инглиз тилида ҳолатни тасвирловчи бирликлар кўлами ўзбек тилидагига нисбатан тор. Мавжуд тасвирий ифодалар эса фақат маълум бир қолипга солинган ҳолатларга, масалан, кўз қарашлари, бирор предметнинг тусланиши каби ҳолатларга нисбатан қўлланишини кузатиш мумкин. Мисол**:** *His dirty blond hair was banded back in a ponytail. His light blue eyes never seemed to **blink**. But the first thing most people noticed were the scars radiating out from his nose. The doctors had said they could fix them, but he'd told them not to bother.* (Mazel Adam, "Morgantown"). (Таржимаси: *Унинг малларанг кир сочлари бир тутам қилиб боғланганди. Мовий ранг кўзлари эса сира **пирпирамасди**. Лекин кўпчилик, энг аввало, унинг бурни атрофидаги чандиқларга эътибор берди. Шифокорлар чандиқларни даволай олишларини айтишса-да, у "овора бўлманглар" дегандек рад этди*). Бу парчада *to blink* (*пирпирамоқ*) сўзи ҳолатни ифодалаш учун қўлланган. Бироқ бу лексемани тақлид асосида вужудга келган тасвирий сўзлар сирасига қўшиш бироз мушкул. Зеро, у от ҳам, мустақил маънога эга феъл ҳам ҳисобланади. Мазкур сўз луғатларда от сифатида ҳам ("пирпиратиш", "милтиллаш", "лаҳза": луғат шакли – *a blink*), феъл сифатида ҳам ("пирпирамоқ", "милтирамоқ": луғат шакли – to blink) изоҳланади. Бу далиллар инглиз тилидаги тасвирий бирликларнинг аксарияти генетик жиҳатдан тақлидлардан келиб чиқмаганлигини кўрсатади. Аксинча, ҳолатни ифодаловчи бу каби тасвирий сўзлар ўзбек тилидагидек тақлид семантикасига эга бўлса-да, грамматик жиҳатдан от, феъл ёки бошқа туркумга мансуб сўз сифатида қаралиши мумкин. Фикримизнинг исботи сифатидаги қуйидаги матнда қўлланган тасвирий сўзга эътибор қаратамиз:

The wind's way in the deep sky's hollow
None may measure, as none can say
How the heart in her shows the swallow
The wind's way.
Hope nor fear can avail to stay
*Waves that whiten on wrecks that **wallow**.*
(Chiari Stephanie, "Ward Columbus")

(Таржимаси:
Осмон қаъридаги шамол йўлини
Ҳеч ким айта олмас, кимса билмайди.
Шамол йўли олиб борар аслида
Кўнгил тубидаги қалдирғоччага.
Умид, қўрқув очар ҳалокотга йўл,
Чўк тушиб, ***ялпайиб*** *ётган кемалар*
Бўғзига тўлқинлар урилар тинмай).

Юқоридаги мисол ва фикрлардан умумий хулоса қилиш мумкинки, келтирилган ҳар уч категорияга оид тақлид бирликлари гапда бевосита тақлид сўз сифатида қўлланилганда, асосан лисоний жуфтлашиш ва бадиий аллитерацияни кузатиш мумкин.

Фонетист олим И.В.Арнольд ушбу жуфтлашган тақлид лексемаларнинг ўзини уч гуруҳга ажратади. Унга кўра, бу турдаги тақлидлар:

1) такрор жуфтлашиш: *woof-woof* (вов-вов), *meow meow*, *baa baa*;

2) тақлид сўзларнинг бири таркибидаги товуш ўзгариши билан жуфтлашиши: *riff-raff, flick-flock, ding-dong*;

3) қофияли жуфтлашиш: *namby-pamby* [1. Б. 60-63].

И.В.Арнольд таснифида учинчи тур сифатида қофияли жуфтлашишни келтиришига қўшилиб бўлмайди. Чунки жуфт тақлидлар таркибидаги товушлардан бири аблаудга учраганда, ўз-ўзидан табиий артикуляцион қофия пайдо бўлади. Уларни товуш ўзгаришли жуфт тақлид ва товуш ўзгариши билан қофияланган тақлидларга ажратиш қатор чалкашликларни келтириб чиқаради. Зотан, И.В.Арнольднинг битта таснифида икки хил асос – лисоний ва бадиий тамойиллар қоришиб кетганлигини кўриш мумкин.

Адабиётлар

1. *Арнольд И.В.* Лексикология современного английского языка. – Москва: Флинта, 2012. – 376 с.
2. *Нуруллова А.А.* Ономатопея в современном английском, русском и немецком языках: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Казан, 2013. – 15 с.
3. *Гальперин И.Р.* Стилистика английского языка. – Москва: Высшая школа, 1981. – 316 с.
4. *Шестакова О.В.* Универсальное и специфическое в ономатопее (на материале немецких и русских языков): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Пермь, 2013. – 21 с.
5. *Горохова Л.А.* Семантико-прагматическое и социолингвистическое особенности функционирования ономатов в текстах современного английского языка: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Пятигорск, 1998. – 220 с.
6. *Шагдаров Л.* Изобразительные слова в современном бурят-монгольском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ленинград, 1956.
7. *Худайкулиев М.* Подражательные слова в туркменском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол.наук. – Ленинград, 1959. – 19 с.
8. *Қўнғуров Р.* Ўзбек тилида тасвирий сўзлар. – Тошкент: Фан, 1966. – 155 б.
9. *Ramstedt G.I.* Uber onomatopoitische Worter in den Altaishen sprachen // Journal de sosiete finno-ogrienne. Vol 55. – Helsinki, 1951.
10. *Чиронов С.В.* Ономапоэтические слова в современном японском языке: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Москва, 2004. – 32 с.

TYPES OF ONOMOTOPOEIC UNITS AND THEIR USE IN THE ENGLISH LANGUAGE

N. M. Aliboeva[1]

Ilmiy xabarnoma. Научный вестник – 2019. №2. 101–107.

[1]Kokand State Pedagogical Institute, Kokand, 150700, str. Turon, 23 (Uzbekistan). E-mail: kspi_info@edu.uz

Keywords: *imitation, descriptive word, descriptive expression, onomatopoeia, descriptive means, noun, verb, parts of the sentence, grammatic form, imitation to sound and state, agglutination, inflexion.*

In agglutinative languages, particularly in the Uzbek language, onomatopoeic words are of wide scale character, whereas in English they are very few as an independent part of speech. Sound imitation or imitation to an image is expressed by nouns, adjectives or verbs in this language. Actually one that such words are of onomatopoeic origin genetically. Direct and indirect onomatopoes are diffentiated in English. They are used with their own and transitory meanings.

Modern English linguistics analyses onomatopoeic words, dividing them into two groups, sound imitating and state imitating lexemes.

Contrastive study of onomatopoeic words and categorization give a chance to analyse realization of linguistic features of such units in speech.

Likewise, contrastive study of onomatopoeic words is

very important in keeping colourfulness (expressiveness) of the text of the source language, objectivity in the translation of fiction. Sound and image imitation expressions are differentiated in the national linguistic sight (view) of the world.

Descriptive meaning is expressed by different means in English literary texts. We'd like to point out the fact that we are far from the views that onomatopoeic units are not characteristic to English, being a representative of analytic languages.

Our reasons show that in some cases descriptive words may have the meaning and essence of imitative words. For example: The meaning of imitation can be expressed in the semantics of verbs which possess verb forms.

It's desirable to divide onomatopoeic words into four main groups. The first group is made up of words expressing imitation to the sounds of animals. The second group presents imitations belong onomatops expressing different noises occurring, in human speech and the fourth being subject of noises. In conclusion we can say that sound and image (state) expression in English can be realized by means of descriptive words belonging to noun or verb word classes.

Although some descriptive words are of imitative origin, they are expressed in the form of verbs because of the analytic feature of the English language. But imitation meaning is distinctly felt in their semantics.

In our opinion the study of the origin of imitative-descriptive words gives the opportunity to see differences between old and present states of onomatopoeic words.

Imitative-descriptive words make up a great number in Uzbek while onomatops functioning as the predicates independently occur very rarely. But we can see that imitatations were widely used in the function of the predicate in old monuments.

References

1. Arnold, I.V. (2012) *Leksikologiya sovremennogo anglijskogo yazyka* [Lexicology of modern English]. Moscow: Flinta.

2. Nurullova, A.A. (2013) *Onomatopeya v sovremennom anglijskom, russkom i nemeckom yazykah* [Onomatopeya in modern English, Russian and German] Abstract diss. … cand. philol. sciences. Kazan.

3. Galperin, I.R. (1981) *Stilistika anglijskogo yazyka* [The style of the English language]. Moscow: Vysshaya shkola.

4. Shestakova, O.V. (2013) *Universal'noe i specificheskoe v onomatopee (na materiale nemeckih i russkih yazykov)* [Universal and specific in onomatopoei (on the material of German and Russian languages)]. Abstract diss. … cand. philol. sciences. Perm'.

5. Gorokhova, L.A. (1998) *Semantiko-pragmaticheskoe i sociolingvisticheskoe osobennosti funkcionirovaniya onomatov v tekstah sovremennogo anglijskogo yazyka* [Semantic-pragmatic and sociolinguistic features of the functioning of onomats in the texts of modern English] Abstract diss. … cand. philol. sciences. Pyatigorsk.

6. Shagdarov, L. (1956) *Izobrazitel'nye slova v sovremennom buryat-mongol'skom yazyke* [Pictorial words in modern Buryat-Mongolian language]. Abstract diss. … cand. philol. sciences. Leningrad.

7. Hudaykuliyev A. (1959) *Podrazhatel'nye slova v turkmenskom yazyke* [Imitative words in the Turkmen language]. Abstract diss. … cand. philol. sciences. Leningrad.

8. Qo`ng`urov, R. (1966) O`*zbek tilida tasvirij so`zlar* [Figurative words in the Uzbek language]. Toshkent: Fan.

9. *Ramstedt, G.I.* (1951) Uber onomatopoitische Worter in den Altaishen sprachen // *Journal de sosiete finno-ogrienne*. Vol 55. – Helsinki,.

10. Chironov, S.V. (2004) *Onomapoehticheskie slova v sovremennom yaponskom yazyke* [topoetic words in modern Japanese language]. Abstract diss. … cand. philol. sciences. Moscow.

Муаллиф ҳақида маълумот:

Алибоева Нилуфар Махаматали қизи – Қўқон давлат педагогика институти, факультетлараро чет тиллари кафедраси ўқитувчиси. E-mail: nilufarahmedova1990@mail.ru